

## ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ГЕНДЕР ТЕНГЛИК, ХОТИН ҚИЗЛАР ҲУҚУҚИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ИЖТИМОЙ АҲАМИЯТИ

Хушназарова Лобар Мухиддиновна

Тошкент давлат юридик университети 1-курс магистранти

### АННОТАЦИЯ

Ҳозирги кунда глобаллашув жараёнлари кўлами тобора кенгайиб бораётган дунёда гендер тенгликни таъминлаш муҳим ҳисобланади. Мазкур мақолада Янги Ўзбекистонда хотин-қизларнинг ҳуқуқи, эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, жамиятда аёлларнинг ижтимоий муносабатлари, кишиларнинг ижтимоий бирлиги, оила, урф-одат, маданият, халқаро ва цивилизациялараро муносабатлар, дин, меҳнат ва жамоат ташкилотларига уюшиш гендер тенгликни ўрни ва вазифаси ҳақида тўхталиб ўтилган. Шунингдек муаллифнинг изланишлари натижасида Янги Ўзбекистонда аёлларнинг ижтимоий соҳаларда гендер тенглигини таъминлаш борасида қилинаётган ишлар кенг таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** Янги Ўзбекистон, БМТ, Юнисеф, гендер тенглик, хотин-қизлар, жамият, цивилизация, сиёсий, ижтимоий, муносабатлар, ижтимоий бирлик, эволюция, оила, урф-одат, маданият, ислоҳот, келажак, тараққиёт, стратегия, оила, замон, муносабат, ёшлар, демократик жамият.

### АННОТАЦИЯ

Важно обеспечить гендерное равенство в современном все более глобализированном мире. В данной статье защита прав, свобод, законных интересов женщин, социальные отношения женщин в обществе, социальное единство людей, семья, традиции, культура, межнациональные и межцивилизационные отношения, религия, труд и роль гендерного равенства в объединении в данной статье обсуждаются общественные организации. Также в результате авторского исследования была широко проанализирована работа, проводимая по обеспечению гендерного равенства женщин в социальных сферах в Новом Узбекистане.

**Ключевые слова:** Новый Узбекистан, ООН, ЮНИСЕФ, гендерное равенство, женщины, общество, цивилизация, политические, социальные, отношения, общественное единство, эволюция, семья, традиция, культура, реформа, будущее, развитие, стратегия, семья, время, отношение, молодежь, демократическое общество.

## ABSTRACT

It is important to ensure gender equality in today's increasingly globalized world. In this article, protection of women's rights, freedoms, legal interests, social relations of women in society, social unity of people, family, tradition, culture, international and inter-civilizational relations, religion, labor and the role of gender equality in joining public organizations are discussed in this article. Also, as a result of the author's research, the work being done to ensure gender equality of women in social spheres in New Uzbekistan was widely analyzed.

**Keywords:** New Uzbekistan, UN, UNICEF, gender equality, women, society, civilization, political, social, relations, social unity, evolution, family, tradition, culture, reform, future, development, strategy, family, time, attitude, youth, democratic society.

Бугунги глобаллашаётган даврда хотин-қизларнинг ҳуқуқий эркинликлари, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш муҳим масалага айланиб бормоқда. Жамиятда хотин-қизларнинг оиладаги, мамлакатдаги ўрнини юқори босқичга кўтариш жараёнлари кечиктириб бўлмас вазифалардан биридир. Аёллар масаласи жамият, ижтимоий муносабатлар, миллатлар, давлатлар, маданият ва цивилизациялар билан узвий алоқада. Гендер тенгликни таъминлаш, мамлакатни ривожланиши, янги уйғониш даврига эҳтиёж туғилиши билан асосланади. Матриархат даврида аёлларнинг мавқеи юқори бўлиб рўзгорни муҳофаза қилувчи, бола тарбиясига мансуб ҳисобланган<sup>36</sup>.

Ҳозирги даврга келиб Ўзбекистонда аёллар жумладан, хотин-қизларнинг қонуний-ижтимоий манфаатларини ҳимоя қилиш, аёлларнинг мамлакат сиёсий ҳаётидаги тўлақонли иштирокини таъминлаш, гендер тенглик ва репродуктив саломатлик буйича олиб борилаётган давлат сиёсатида жаҳон ҳамжамияти яъни БМТ, Халқаро меҳнат ташкилоти, ЮНИСЕФ, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти каби нуфузли халқаро ихтисослашган муассасалар томонидан юқори баҳо берилмоқда.

Мамлакатимиз Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлис Сенати йигирманчи ялпи мажлисида сўзлаган нутқида таъкидлаганидек, ҳозирги кунда ҳар бир аёл демократик жараёнларнинг кузатувчиси эмас, балки фаол ва ташаббускор иштирокчиси бўлмоғи шарт. Жамиятимизда аёлларга қаратилаётган эътибор, уларнинг билим олиши, касб танлаши, меҳнат қилиши, ўз иқтидорини намоён этиши учун яратилаётган шароитлар натижасида бугун хотин-қизларимизда ҳар жабҳада фаоллик сезилмоқда, бир сўз билан айтганда,

<sup>36</sup> БМТ: Асосий омиллар. -Т.: БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси. 2021.76-77 бетлар.

уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги ошиб, салоҳиятли хотин-қизлар сони тобора кенгаймоқда. "Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида"ги қонуннинг қабул қилингани ҳам муҳим воқеа бўлди. Бу эса бугунги кунда юртимизда аёлларга эътибор ҳар қачонгидан ҳам юксакларга кўтарилганидан далолат беради.

Президентимиз томонидан сўнги йилларда мамлакатимизда хотин-қизларни қўллаб қувватлаш, уларнинг турмуш тарзини янада яхшилаш мақсадида бир нечта Қарор ва Фармонлар қабул қилинди. Жумладан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 22 июлда "Хотин-қизларни касб-ҳунар ва тадбиркорликка ўқитиш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори, 2022 йил 7 мартдаги ПФ-87-сон "Оила ва Хотин-қизларни тизимли қўллаб-қувватлашга доир ишларни янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонлари шулар жумласидандир.

Юқорида белгиланган Қарор ва Фармонларда қуйидаги вазифлар белгилаб олинган:

- бюджет ташкилотларидан ташқари барча юридик шахсларда охириги 6 ой давомида узлуксиз иш стажига эга бўлган аёлларга ҳар ой учун минимал истеъмол харажатлари миқдоридан келиб чиққан ҳолда Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан ҳомиладорлик ва туғиш нафақаси тўлаш;
- олий таълим муассасалари, техникум ва коллежларда, шу жумладан сиртқи ва кечки таълим шаклида ўқиётган хотин-қизларнинг таълим контрактларини тўлаш учун 7 йил муддатга фоизсиз таълим кредитларини молиялаштириш мақсадида тижорат банкларига Давлат бюджетидан тегишли маблағларини йўналтириш;
- давлат олий таълим муассасаларининг магистратура босқичида ўқиётган барча хотин-қизларнинг контракт тўловларини қайтариш шартсиз қоплаш ҳамда Давлат бюджетидан молиялаштириш;
- давлат олий таълим муассасаларининг магистратура босқичига тўлов-контракт асосида қабул қилинган ва таълим олаётган хотин-қизларнинг давлат олий таълим муассасалари кесимида контракт тўловларини қоплаб бериш;
- хорижий олий таълим муассасаларининг бакалаврият таълим дастурлари бўйича — 50 нафар, магистратура таълим дастурлари бўйича — 10 нафар хотин-қизларга ҳар йили «Эл-юрт умиди» жамғармаси орқали қўшимча грантлар ажратиб бориш;
- ҳар йили Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитасининг тавсияларига асосан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва

Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан 150 нафардан жами 2100 нафар ижтимоий эҳтиёжманд оила вакиллари, етим ёки ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган талаба хотин-қизларнинг таълим контрактлари маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ҳисобидан қайтариш шартсиз қоплаб бориш;

➤ мутахассислиги бўйича камида 5 йил меҳнат стажига эга, лекин олий маълумотга эга бўлмаган 500 нафар хотин-қизларни ҳар йили Қўмита тавсияномаларига асосан давлат олий таълим муассасаларининг бакалаврият таълим йўналишларига умумий қабул параметрларидан ташқари алоҳида тест синовлари натижаларига мувофиқ тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилиш амалиётини жорий этиш;

➤ давлат илмий ташкилотлари ёки олий таълим муассасалари докторантурасига хотин-қизлар учун ҳар йили камида 300 тадан мақсадли квота ажратиб бориш;

➤ Ёшлар ва хотин-қизларни касб-ҳунар ҳамда тадбиркорликка ўқитиш дастурларида иштирок этувчи нодавлат таълим ташкилотларининг электрон реестрига киритилган нодавлат таълим ташкилотлари, профессионал таълим муассасалари ҳамда Бизнес ва тадбиркорлик олий мактабининг касб-ҳунарга ўргатувчи ўқув курсларига йўналтирилган ёшлар ва хотин-қизлар учун Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлигининг ҳудудий бошқармалари томонидан уч томонлама шартнома асосида ўқув курслари қийматининг 70 фоизи компенсация асосида тўлаб бериш;

➤ “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари” ва “Темир дафтар”га киритилган ёшлар ва хотин-қизларни Олий мактаб томонидан ўқитиш ишлари тўлиқ бепул амалга ошириш;

Бундан ташқари нодавлат таълим ташкилотлари, профессионал таълим муассасалари ҳамда Олий мактабнинг касб-ҳунар йўналиши бўйича ўқув курсларини яқунлаган ишсиз хотин-қизлар Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан мавжуд бўш иш ўринларига жойлаштирилишини таъминлаш каби вазифалар белгилаб берилганлиги соҳада талай ишлар қилинаётганлигини кўрсатмоқда.

Барчага маълум, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 2019 йилнинг сентябрида Барқарор ривожланиш бўйича ўтказилган саммитида қабул қилинган 70-сон резолюциясига мувофиқ<sup>37</sup>, шунингдек, 2030 йилгача бўлган даврда БМТ Глобал кун тартибининг Барқарор ривожланиш мақсадларини изчил амалга ошириш бўйича тизимли ишларни ташкил этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “2030 йилгача бўлган

<sup>37</sup> Бирлашган Миллатлар Ташкилоти: Гендер тенглик масалалари. Т.: БМТ ваколатхонаси. 2018. 122-123 бетлар

даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарор қабул қилди. Шу билан бирга, Ўзбекистон Барқарор ривожланишнинг бешинчи мақсадини амалга ошириш доирасида “Гендер тенгликни таъминлаш ҳамда барча хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш”га оид тўққизта вазифани ишлаб чиқди.

Бешинчи мақсаднинг "Гендер тенглик" вазифаларига мувофиқ, 2030 йилга келиб барча хотин-қизларга нисбатан камситишларнинг ҳар қандай шаклига барҳам бериш, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётда қарорлар қабул қилишнинг барча даражаларида аёлларнинг тўлиқ ва самарали иштирокини ва етакчилик қилиш учун тенг имкониятларни таъминлаш зарур. Сўнгги йилларда гендер тенгликни таъминлаш, аёлларнинг ижтимоий ва сиёсий ҳаётдаги ролини ошириш буйича ишлар бир неча йўналишларда олиб борилмоқда. Жумладан;

- биринчидан аёллар ҳуқуқлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш;
- иккинчидан аёлларни ҳимоя қилишнинг институционал асосларини такомиллаштириш;
- учинчидан аҳолининг гендер тенглик ва аёллар ҳуқуқлари тўғрисида хабардорлигини ошириш;
- тўртинчидан ҳуқуқни қўллаш амалиётида уларга риоя этилишини таъминлаш учун масъул мансабдор шахсларни тегишли ҳуқуқий меъёрлар асосида ўқитиш.

Мазкур келтириб ўтилган масалалар бўйича Ўзбекистонда бир қатор қонун ҳужжатлари, жумладан, Президентнинг хотин-қизлар ҳуқуқларини таъминлаш, хусусан, гендер тенглиги ва аёлларни зўравонлик ва зулмдан ҳимоя қилиш, аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш мақомини кучайтириш тўғрисидаги фармон ва қарорлари қабул қилинган.

Гендер тенглигини жорий қилиш нуқтаи назаридан таълимдаги ижобий силжишларни алоҳида таъкидлаш керак. Яъни, 2017 йилдан бошлаб аксарият олий ўқув юртларида турли мутахассисликлар бўйича сиртки бўлимлар фаолияти тикланди. Таълимнинг ушбу шакли ёш аёлларга болаларни парвариш қилиш ва бошқа оилавий мажбуриятларни бажаришга халал қилмасдан олий маълумот олиш имкониятини беради. Бу борада Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил июнь ойида Олий Мажлис Сенатидаги нутқида "Мени кишиларимизнинг онгида пайдо бўлган стереотип кўп ўйлантиради. Одатда биз аёлларни авваламбор она, оила кўрғонининг кўрикчиси сифатида ҳурмат қиламиз. Бу, шубҳасиз, тўғри асосга эга. Аммо бугун ҳар бир аёл оддий кузатувчи эмас, балки мамлакатда амалга оширилаётган демократик

ўзгаришларнинг фаол ва ташаббускор иштирокчиси ҳам бўлиши керак" деб айтган сўзлари нақадар ўринли эканлиги яққол кўриниб турибди<sup>38</sup>.

Давлатимиз раҳбари раҳнамолигида гендер тенгликни таъминлаш соҳасида амалга оширилаётган кенг қўламли саъй-ҳаракатлар, миллий қонунчиликнинг бу борадаги талабларини янада кучайтириш вазифалари, вазирлик тизимида мазкур йўналишда қилинаётган ишлар ҳақида тўхталадиган бўлсак, Олий Мажлис Сенатининг Хотин қизлар ва гендер тенглик масасалари қўмитаси томонидан мамлакатимизда гендер тенглигини таъминлаш, хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари доимо эътибор марказида бўлиб келмоқда десак муболаға бўлмайди. Сўнгги йилларда гендер тенглик масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, соҳага оид 25 та қонун ҳужжати қабул қилинганлиги фикримизнинг ёрқин исботидир. Ўзбекистон тарихида илк мартаба миллий парламентда хотин-қизлар сони БМТ томонидан белгиланган тавсияларга мос даражага етди. Айнан шу кўрсаткич бўйича юртимиз дунё давлатлари орасида топ-50 талиқдан ўрин олгани Хотин қизлар ва гендер тенглик масасалари қўмитасини мамлакатимизда гендер тенглигини таъминлаш борасидаги ишлари кўлами юқори босқичга кўтарилаётганлигидан далолат беради.

Мамлакатимизда гендер тенглигини ҳукуматдан бошлаш мақсадида Президентимиз Ш.Мирзиёев таклифига биноан, мамлакат тарихида илк бор Сенат раислигига аёл киши сайланди. Мазкур соҳадаги қонунчилик чораларига тўхталадиган бўлсак, Ўзбекистонда хотин-қизлар ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш мақсадида 2019 йил сентябрь ойида "Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида"ги ҳамда "Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунлар қабул қилинди. БМТнинг деярли барча агентликлари, жумладан БМТ Тараққиёт Дастури, БМТ Аҳолишунослик жамғармаси (ЮНФПА), БМТ Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ), БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси, БМТнинг Наркотик моддалар ва жиноят бошқармаси, Халқаро миграция ташкилоти ушбу икки қонун бўйича ўз изоҳ ва таклифларини беришди.

Гендер тенглик бўйича институционал чораларга келсак, айти пайтда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати таркибида аёллар ҳуқуқларини таъминлаш ва камситишнинг ҳар қандай шаклига барҳам бериш бўйича миллий қонунчиликда халқаро стандартларни ўйгунлаштириш билан шуғулланувчи янги Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси ташкил қилинган. Бундан ташқари, меҳнатга оид ҳуқуқларнинг кафолатлари ва

<sup>38</sup> 2022-2026-йилларда Ўзбекистонни ривожлантириш бўйича Тараққиёт стратегияси. Тошкент, 2022-йил.



қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш, уйдаги зўравонлик қурбонларига ёрдам бериш мақсадида Зўрлик ишлатишдан жабр кўрган шахсларни реабилитация қилиш ва мослаштириш ҳамда ўз жонига қасд қилишнинг олдини олиш республика маркази ва Хотин-қизлар тадбиркорлиги маркази, Ҳукумат ҳузуридаги "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази ташкил топди. Ушбу янги ташкил этилган барча институционал механизмлар Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси билан биргаликда БМТ Конвенциясига мувофиқ аёллар ҳуқуқлари, гендер тенглиги ва хотин-қизларга нисбатан камситишларга барҳам беришнинг ягона яхлит механизмига айланиши масаланинг муҳим томонидир. Бундай чоралар, хусусан, БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича идоралари томонидан узоқ вақт давомида тавсия қилиб келинган<sup>39</sup>.

Бинобарин, "Хотин-қизлар ва эркалар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида"ги ва "Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонунларнинг бажарилишини таъминлаш учун "Йул хариталари"ни қабул қилиш режалаштирилган. Бундан ташқари, Гендер тенглиги бўйича миллий стратегияни қабул қилиш режаси ҳам мавжуд. БМТ агентликлари гендер тенглик ва камситмаслик масалаларида, шу жумладан махсус ҳужжатларни режалаштириш, ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, янги кодексларнинг махсус қоидаларини - жиноий, процессуал ва ижро этувчи босқичларни ишлаб чиқишда бундан кейин ҳам кўмак беришга тайёрлигини доимий равишда такрорланиб келинди.

Шунингдек, қабул қилинаётган у ёки бу даражадаги ҳужжатларнинг аёллар ва эркалар учун бир меъёрга бўлишига эришиш учун қонунчиликнинг гендер экспертизасини ўтказиш мажбурийлигини таъминлаш муҳимдир. Ўз навбатида, бизнес инкубаторлари билан бир қаторда, аёлларни таълим ва фан соҳасида рағбатлантириш, шунингдек, СТЕМ (Фан, технология, муҳандислик, математика) лабораториялар яратиш орқали уларни табиий ва техник фанлар соҳасига жалб қилиш чораларини кўриш зарур. Бу, ўз навбатида, аёлларнинг бандлигини, замонавий меҳнат бозорида рақобатбардошлигини оширишга ёрдам беради<sup>40</sup>.

Қабул қилинаётган чора-тадбирлар мамлакатнинг барча ҳудудлари ва хотин-қизларнинг барча тоифаларини қамраб олиши керак. Хусусан, 2030 йилгача бўлган даврда БМТ Глобал кун тартибининг Барқарор ривожланиш мақсадларини изчил амалга ошириш кун тартибидаги тамойилларни, айниқса, "ҳеч кимни ортда қолдирмаслик" тамойилини ҳисобга олган ҳолда, ҳар-хил

<sup>39</sup> Бебель А. Социализм и женщина. М.: Госполитиздат. 1999. - С.94.

<sup>40</sup> Эвелин Б. Лансинг Тошкентдаги 2018 йил май ойида бўлиб ўтган "Турмушдаги зўравонлик - тажрибасидан" конференциясидаги маърузаси.

камситиш шаклларига мойил бўлган хотин-қизларнинг ҳолатига алоҳида эътибор қаратиш долзарб масаладир. Бу ерда мамлакатнинг чекка ҳудудларидаги қишлоқлардаги хотин-қизларга, этник озчилик гуруҳлари, ногиронлар, ОИВ/ОИТСга чалинган аёллар, озодликдан маҳрум қилиш ва чеклаш жойларидаги хотин-қизларга (шу жумладан қамоқхоналар, пансионатлар, қариялар уйлари ва руҳий касалликлар шифохоналари), инсон ҳуқуқлари ҳимоячилари, фуқаролиги бўлмаган шахслар ва қочқинларга асосий эътибор қаратилади.

Хулоса қилиб айтганда пайтда Янги Ўзбекистонда гендер тенглик, хотин қизлар ҳуқуқини таъминлашнинг ижтимоий аҳамиятини таъминлашда ҳамкорлик масалаларини юқори босқичга кўтариш муҳимдир. Жумладан БМТнинг Ўзбекистондаги агентликлари ўртасидаги ҳамкорлик доирасида гендер фаолияти йўлга қўйилган махсус гуруҳ имкониятларидан тўлақонли фойдаланиш лозим. Биз юқорида қайд этган Қонунлар, БМТ агентликлари билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган<sup>41</sup>, биз уларнинг ижросини таъминласак гендер тенгликка эришамиз. Бундан ташқари гендер тенгликни таъминлаш учун конференция, видеоролик, ижтимоий тармоқлар каби турли форматларда аёллар муаммолари тўғрисида хабардорликни ошириш буйича кўплаб тадбирлар ўтказиш орқали биз кўзланган натижаларга эришамиз.

Гендер тенгликни таъминлаш борасида мамлакатимизда ишлаб чиқиладиган "2021-2025 йилларга мўлжалланган Барқарор ривожланиш ҳамкорлик дастури" доирасида қилинган ишлар самарадорлигини юқори босқичга кўтарсак биз кўзлаган мақсадга эришишимиз шубҳасиздир.

### **Фойдаланилган адабиётлар: (REFERENCES)**

1. 2022 йил 7 мартдаги ПФ-87-сон “Оила ва Хотин-қизларни тизимли қўллаб-қувватлашга доир ишларни янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 22 июлда “Хотин-қизларни касб-ҳунар ва тадбиркорликка ўқитиш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори.
3. БМТ: Асосий омиллар. -Т.: БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси. 2021.76-77 бетлар.
4. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти: Гендер тенглик масалалари. Т.: БМТ ваколатхонаси. 2018. 122-123 бетлар.

<sup>41</sup> Эгамбердиева Т. Аёл ва давр. Т.: Мехнат. 2019. - 11-12 бетлар.



5. 2022-2026-йилларда Ўзбекистонни ривожлантириш бўйича Тараққиёт стратегияси. Тошкент, 2022-йил.
6. Бебель А. Социализм и женщина. М.: Госполитиздат. 1999. - С.94.
7. Эвелин Б. Лансинг Тошкентдаги 2018 йил май ойида бўлиб ўтган "Турмушдаги зўравонлик - тажрибасидан" конференциясидаги маърузаси.
8. Эгамбердиева Т. Аёл ва давр. Т.: Меҳнат. 2019. - 11-12 бетлар.